БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИРРИГАЦИЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Азизбек Тўйнор ўғли Тешаев
Бухоро давлат университети Ўқув-услубий бошқарма услубчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро воҳасининг шаклланишида Зарафшон дарёси ва ундан бош олган каналларнинг аҳамияти илмий таҳлил қилган. Ҳамда, воҳада аҳоли манзилларининг вужудга келишида сув ҳавзаларининг ўрни, уларнинг хусусиятлари илмий адабиёт ва манбалар таҳлили натижасида очиб берилган.

Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, Зарафшон дарёси, Наршахий, Вобкентдарё, Шаҳруд, Қоракўлдарё, Мохондарё.

SOME CONSIDERATIONS ON THE ROLE AND IMPORTANCE OF IRRIGATION IN THE FORMATION OF BUKHARA OAS

ABSTRACT

This article scientifically analyzes the importance of the Zarafshan River and its tributaries in the formation of the Bukhara oasis. Also, the role of water basins in the formation of settlements in the oasis, their characteristics are revealed through the analysis of scientific literature and sources.

Keywords: Bukhara oasis, Zarafshan river, Narshakhi, Vobkent river, Shahrud, Karakul river, Mokhon river.

КИРИШ

Дунё ҳам жамиятида илк цивилизациялар дарё ва сув ҳавзалари бўйида вужудга келади. Масалан Қадимги Мисрда Нил ҳавзаси бўйида, Месопатамияда Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида, Ҳиндистонда Ҳинд ва Ганга дарёлари бўйида қадимги аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар-давлатлар вужудга келган. Шу ўринда Бухоро воҳасининг шаклланиши, қадимги аҳоли манзилгоҳлари, қишлоқ ва шаҳарларнинг тараққий этишида Зарафшон дарёсининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу сабали тарихчилар “Бухоро-Зарафшон дарёсининг туҳфаси” деб тақидлайди[1]. Сабаби, қадимдан Бухоро воҳасининг асосий сув манбаи Зарафшон дарёси ҳисобланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Зарафшон дарёси шимолдан Туркистон, жанубдан Ҳисор ҳамда Зарафшон тизмалари туташган ерда 3154 метр баландликда[2] жойлашган Зарафшон

музлигидан бошланган. Музликнинг узунлиги 24,7 км, кенглиги 1,7 км бўлиб, қалинлиги 200 м ни ташкил қилади[3].

Зарафшон дарёси ўз вақтида Амударёга қуйилган. Буни археологик ва геологик тадқиқотлар исботлаб берган. Шундан Зарафшоннинг делта қисми қадимдан одамлар яшаши учун қулай ҳудудларга айлана бошланади. Бу дарда Бухоро воҳаси ҳудудида яшил даштлар, кўплаб кўллар ва каналлар мавжуд бўлган. Зарафшон водийсида ҳали суғорма деҳқончилик вужудга келмаганида дарёнинг барча сувлари Бухоро воҳаси томон интилган.

Бухоро воҳасида у қадимги Хитфар (Вобкентдарё), Рудизар (Шаҳруд), Қоракўлдарё, Мохондарё ваТайқир каби бир нечта тармоқлар ҳосил қилиб, бутун воҳа бўйлаб ёйилиб оққан. Ўша замонларда ҳозирги Бухоро вилоятининг водий қисми Зарафшоннинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўл ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, улар қалин бутазор, чакалакзор ва тўқайзорлар билан қопланган.

Бухоронинг жужа катта ҳудудлари аҳоли томонидан ўзлаштирилиши натижасида Зарафшон дарёсиниг суви Амударёгача бормай қолади. Зарафшондан сув олган Бухоронинг ғарбий қисмидаги Моҳондарё, Гурдуш, Гужайли, Замонбобо кўли, Чуқуркўл, Ўртакўл ва бошқа сув ҳавзалари қурийди. Зарафшон Бухоронинг Қоракўл ҳудудига бориб чўлга сингиб кетади. Манбаларда қайд этилишича Бухоро воҳаси ҳудудида Зарафшон даёсидан 35 та канал ва сув ҳавзалари бош олган. Шу каналлар воҳада юксак ривожланган шаҳарларни вужудга келтиради. Хусусан, Бухоро шаҳрининг вужудга келишида ҳам сув ҳавзаларининг ўрни ва аҳмияти ҳар қайси жиҳатдан устун турган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бухоро воҳасининг бу қадимий табиий манзараси X асрда яшаган тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг«Бухоро тарихи» асарида қуйидагича тасвирланади:«Ҳозирда Бухоро (ўрнашган) бу мавзе, (илгари) ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, Самарканд томонидаги вилоятларда тоғларда қор эриб, суви (оқиб келиб) ўша жойга йиғилиб ётар эди.

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, унинг «Руди Мосаф» -«Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб, ўпириб, лойқаларни суриб келган ва натижада бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб келаверди, лойқаларни то Битик ва Фаробгача суриб келтира берди. Сўнг сув (тошиб келиши) тўхтади, Бухоро ўрнашган жой (аста-секин) тўлиб, текис ерга айланди ва шундай қилиб у каттадарё Сўғд ва бу (лойқалар билан) тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди»[4].

Айни ўша замонларда ҳозирги Қоракўл ва Олот ноҳиялари ўрнида улкан кўл бўлиб, унга бир томондан Қашқадарёнинг, иккинчи томондан Қоракўл дарё

орқали Зарафшон дарёсининг сувлари қишин-ёзин муттасил қуйилиб турган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўл «Бухайрайи Сомжан» (яъни, Сомжан денгизи),«Баҳр ул-Бухоро» (яъни, Бухоро денгизи), «Боргини
Фарроҳ»-«Кенг ҳавуз», «Мовозаи Бойканд», яъни Бойканд яқинидаги кўл каби бир нечта атамалар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ёки «Қоракўл»деб юритишган. Бу кўлнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 20 фарсанг, яъни 120-140 км га тенг бўлган. Бухоро денгизи ва Бойкандкўл номлари билан шуҳрат топган бу кўлнинг шимолий қирғоғи Шибурдонота баландликларига туташган Замонбобо адирликларига, жанубий қирғоғи Денгизкўлнинг жануб соҳилларига, шарқий қирғоғи Пойканд-Тайқир қирлари орқали Қарши даштига, ғарбий қирғоғи эса Олот текисликлари орқали Урганжий даштига-Қизилқумга туташиб кетган. Манбаларда қайд этилишича айнан шу сув ҳавзалари бўйида дастлабки аҳоли манзилгоҳлари вужудга кела бошлаган.

Бухоро ва унга яқин жойларда ташкил этилган дастлабки аҳоли манзиллар тўғрисида Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўзининг Бухоро тарихи китобиди ёзиб қолдирган. У Бухородаги қадимги Фараб, Тавоис, Искажкат, Шарғ, Зандана, Вардона, Афшина, Баркад, Ромтин (Ромитан), Варахша, Байканд, Кармина манзиллар хусусида қуйидагиларни таъкидлайди.

Кармина- Бухоро қишлоқлари жумласидан бўлиб, унинг суви Бухоро сувидан келади, хирожи Бухоро хирожига қўшилади. Унинг ўзига тегишли алоҳида бир қишлоқ ҳам бор, унда масжиди жоме барпо этилган. Карминани «Бодяйнхурдак» («Кўзача») деб атаганлар. Бухородан то Карминагача ўн тўрт фарсангдир.

Нур катта жой Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Нур зиёратига борган киши ҳажқилган (кишининг) фазилатига эга бўлади;у зиёратдан қайтиб келганида табаррук жойдан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавоза банд қилиб безатадилар. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар.

Тавоис- Бухоро вилоятларидан бўлиб, асл номи Аркуддир. Унда ҳар бир киши зийнат учун уйида бита ёки иккита товус сақлаган. Араблар (бу ерга келишдан) илгари товусни кўрмаган эканлар, бу ерда кўп товусларни кўриб, у қишлоқни «Зотут-тавоис» - «Товуслар эгаси» деб атаганлар, унинг асл номи эса унутилган; ундан кейинроқ «зот» сўзини ташлаб Тавоис деб қўя қолганлар. Унда масжиди жоме бор, у ката бир шаҳристонга эга, қадимги вақтларда (ҳар) куз фаслида у жойда ўн кун бозор бўларэди. Ҳар йили (шу ўн кунда) бу бозорга масалан, Фарғона, Чоч ва бошқа жойлардан келган савдогарлар ва турли ҳожатмандлардан ўн мингдан ортиқ киши ҳозир бўлишар ва кўп манфаат топиб қайтар эдилар. Шу сабабли бу қишлоқнинг аҳолиси бой кишилар эдилар ва

бойликлари деҳқончилик туфайли эмас эди. Тавоис Самарқандга бориладиган ката йўл устида бўлиб,ундан Бухорогача етти фарсангдир.

Искажкат- У бир ката куҳандизга эга. Унинг ҳамма аҳолиси савдогарчилик билан шуғулланган. У жойда кўп бўз (тўқиб) чиқарилар эди. Ҳар пайшанба куни у ерда бозор бўларди. У кишлоқ султонликка тегишли мулклар жумласидандир.

Шарғ қишлоғи Искажкат рўпарасидадир, икковининг орасида катта дарёдан бошқа ҳеч бир боғ ва бўш ерлар йўқ. У дарёни Рудя Сомжан деб атаганлар. Ҳозирда эса Шарғ дарёси, баъзи кишилар бўлса, Ҳаромком дейдилар. Бу икки қишлоқ ўртасида дара устида катта кўприк бор эди. Исмоил Сомоний бу қишлоқни барча ер-сувлари ва дов-дарахтлари билан сотиб олиб, ҳаммасини Бухоро шаҳрининг ичкарисида Самарқанд дарвозасида бино этган работга вақф қилган. Бу Шарғ ва Искажкат Бухоронинг энг яхши қишлоқлари бўлган.

Зандана - Бу қишлоқ катта қалъага, кўпгина бозор жойларга масжиди жомега эга. Бу қишлоқда (тўқиб) чиқариладиган нарса - бўзни «занданийчи», яъни «Зандана қишлоғидан чиқадиган» деб атайдилар. Шу хил бўздан Бухоронинг кўп қишлоқларида тўқийдилар ва буни ҳам «занданийчи» деб атайдилар. Шу қишлоқда тўқиб чиқарилган бўз Ироқ, Форс, Кермон, Ҳиндистон ва бошқалар каби ҳамма вилоятларга олиб борадилар.

Вардона-катта бир қишлоқ бўлиб, куҳандизга, катта ва мустаҳкам ҳисорга эга. У қадим вақтлардан подшоҳларнинг турар жойлари бўлган.

Афшина- катта шористонга ва мустаҳкам ҳисорга эгадир. Бир қанча қишлоқлар унга мансубдир. У ерда ҳар ҳафтада бир кун бозор бўлади. Бу қишлоқнинг экин ерлари ва биёбонлари мадраса талабаларига вақф қилинган.

Баркад- қадимий ва катта бир қишлоқ; бир катта куҳандизга эга. Бу қишлоқни «Баркадиалавиён»— «Али авлодининг Баркади» деб атайдилар. Бунга сабаб шуки, амир Исмоил Сомоний буқишлоқни сотиб олган ва олти бўлакка ажратиб, ундан икки бўлагини Али ва Жаъфар авлодига, икки бўлагини дарвишларга ва икки бўлагини ўз меросхўрларига вақф қилган.

Ромтин- (Ромитан) ката бир куҳандизга эга ва мустаҳкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир. Баъзи китобларда бу қишлоқни Бухоро деб атаганлар. Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар жойлари бўлган, (кейинроқ эса) Бухоро шаҳри бино бўлгандан кейин, подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлганлар.

Варахша- бир нусха (китоб) да Варахша ўрнида Ражфандун деб ёзганлар. Катта қишлоқлар биридир. У Бухоро шаҳридан қадимийроқдир. Унда подшоҳларнинг қароргоҳлари жойлашган. Йилнинг охирида эса йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни наврўз - янги йил байрамини ўтказадилар. Буни «Наврўзи кишоварзон» -«Деҳқонлар наврўзи» дейдилар. Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар.

Байканд- буни шаҳарлар жумласидан деб ҳисоблайдилар. Байканд аҳолиси,бирор кишининг Байкандни қишлоқ деб аташига розилик берган эмаслар. Байкандда Бухоро қишлоқлари сонича, мингдан ортиқ работ бўлган.

Фараб- бу шаҳарлар жумласидан бўлиб, алоҳида жойларга эга, Жайҳун дарёси лабидан то Фарабгача бир фарсанг, сув тошган вақтларда эса ярим фарсанг келади. Жайҳуннинг суви (тошиб) Фарабгача бориб етган[5].

Аҳоли жойлашувида шаҳристон, арк, работ ҳамда воҳа бўйлаб мавжуд тепалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бухоро воҳасида бир гуруҳ тепалар сақланган бўлиб улар ҳудуднинг географик жойлашуви ва аҳоли ҳаёт тарзи натижасида вужудга келган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият равнақи йўлидан дарак беради. Қадимги Бухоро ўзининг нафақат архитектура обидалари билан, бундан ташқари минглаб археологик обидалари билан ҳам дунёга донғи кетган. Буларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва заволга юз тутишида ирригация тизмларининг аҳамияти беқиёс исобланган.

REFERENCES

1. Шишкин В.А. Варахша. М.,1963. С.8.
2. Шульц В.Л. Гидрография Средней Азии. –Ташкент,1958. С.59.
3. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. –Тошкент,1972. Б.22.
4. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро. –Тошкент: “Фан”, 1991. –Б.9.
5. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. –Тошкент: “Шарқ машаълига илова”, 1993. –Б.20-25.
6. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
7. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
8. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
9. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938.
10. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.